



ГРИПП ва ЎРИ БЎЙИЧА ҲАФТАЛИК МИЛЛИЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

2025 йил 46 ҳафтаси
(10.11.25 - 16.11.25)

Резюме

Ҳафталик миллий бюллетенда гриппга ўхшаш касалликлар (ГЎК), ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) ва уларнинг оғир шакллари (ОЎРИ) ҳақида маълумот берилади.

Шунингдек, унда аҳолининг турли ёш гуруҳларида юқоридаги инфекциялар билан касалланиш кўрсаткичлари ҳамда грипп ва ўткир респиратор патогенлар, шу жумладан COVID-19га лаборатория текширувлари натижалари тақдим этилган.

Маълумотлар 2025 йилнинг 46-ҳафтасида республика бўйича, жумладан Тошкент шаҳрининг таянч пунктлари бўйича тақдим этилган


Кунлик назорат

2025 йил 46 ҳафтасида республикада эпидемик вазият 2024 йилнинг 46 ҳафтасига нисбатан ЎРВИ 22.9%га, ГЎК кўрсаткичи 166.1%га ўсиши кузатилган. Ўткир зотилжам касаллиги 9,2%га пасайишга,

ГЎК касаллигининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳар, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида да рўйхатга олинган.

Мавсум бошидан ГЎК билан оғриган беморлардан олинган намуналарининг лаборатор текширувида 15.9 % грипп вирусига мусбат натижа аниқланган.


1-расм. 2025/26 ва 2024/25 мавсумлардаги ГЎК кўрсаткичи 10 000 аҳолига нисбатан.



Гриппга ўхшаш касалликлар 2025 йилнинг 46 ҳафтасида 2025 йилнинг 45 ҳафтасига нисбатан маъмурий ҳудудларнинг вилоят марказлари, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Ургенч ва Нукус шаҳарларида 35.8%га ўсиши кузатилган, 2024 йилнинг 46 ҳафтасига нисбатан ҳам касаллик кўрсаткичи 33.3%га ошган.

Энг кўп ГЎК ҳолатлари Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Ургенч ва Нукус шаҳарларида рўйхатга олинган.

2-расм. 2025/26 ва 2024/25 мавсумлардаги ЎРИ кўрсаткичи 10000 аҳолига нисбатан.




2025 йилнинг 46 ҳафтасида республика аҳолиси ўртасида ЎРВИ билан касалланиш кўрсаткичи 2025 йилнинг 45 ҳафтасига нисбатан 13.7%га пасайиши кузатилган. Маъмурий ҳудудларнинг вилоят марказларида, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанди, Термез ва Ургенч шаҳарларида 18.5%га камайиш кузатилган, 2024 йилнинг 45 ҳафтасига нисбатан касаллик кўрсаткичи 60.1%га ошган.

Жорий ҳафтада ЎРВИ касаллигининг энг юқори кўрсаткичлари Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанди, Термез ва Ургенч шаҳарларидарўйхатга олинган.

2025 йилнинг 46 ҳафтасида ЎРВИ касаллиги кўрсаткичлари эпидемик бўсақадан 28,5%га паст бўлган.

3-расм. 2024/25 ва 2025/26 мавсумларда зотилжам кўрсаткичи 10 000 аҳолига нисбатан.



Жорий йилнинг 46 ҳафтасида ўткир зотилжам касаллиги кўрсаткичи маъмурий ҳудудларнинг марказий шаҳарларида 2025 йилнинг 45 ҳафтасига нисбатан 15.3%га камайган, 2024 йилнинг 46 ҳафтасига нисбатан ҳам касаллик кўрсаткичи 73.4%га ўсиши кузатилган.

Энг юқори касаллик кўрсаткичлари Андижон, Жиззах, Қарши, Наманган ва Нукус шаҳарларида рўйхатга олинган

ГҲК бўйича назорат

Гриппга ўхшаш касалликлар ҳолатини стандарт аниқлаш (ЖССТ-2014):


Ўткир респиратор инфекциялар қуйидаги белги билан намоён бўлганда:

- кўрик вақтида ёки анамнезида тана ҳароратини 38 С0 дан юқори бўлиши;
- йўтал;

- касаллик бошлангандан 10 кун давомида.

Жорий йилнинг 46 ҳафтасида 5-14 ёш гуруҳидагилар ўртасида ГЎК ни ошган, қолган ёш гуруҳларида ГЎКнинг пасайиши кузатилди.

4-расм. 2025/26 йиллар мавсумидаги ГЎК кўрсаткичи 100 000 аҳолига нисбатан.




Ўткир респиратор инфекцияси ҳолатларининг стандарт аниқланиши (ЎРИ, ECDC/ЖССТ):

- ўткир бошланиши (охирги 10 кун) қуйидаги респиратор касаллик белгиларининг биттасини рўйхатга олиниши кузатилади:


- йўтал;
- томоқда оғриқ;
- ҳансираш;
- тумов/ринит
- шунингдек, инфекция сабабли юзага келганлиги ҳақидаги клиник хулоса.

Ўткир респиратор инфекциялари билан касалланиш даражаси 5-14 ёш ва 15-29 ёш гуруҳлари орасида ўсиши кузатилди, қолган ёшларда касалланишни пасайган.

5-расм. 2025/26 йиллар мавсумидаги ЎРИ кўрсаткичи 100 000 аҳолига нисбатан.




6-расм. ГЎКда грип мониторинг натижалари мавсум 2025/26 йиллар.



2025 йилнинг 46-ҳафтасида ГЎК бўйича дозорли назорат доирасида гриппга ўтказилган лаборатор текширувларнинг 14,6%да грип вируслари аниқланди. Мусбат натижаларининг 100,0%да грип А/Н3N2 га тўғри келди.

Мавсум бошидан ГЎК билан оғриган беморлардан олинган намуналарнинг лаборатор текширувлари 15,9%да грип вирусларига мусбат натижа аниқланди. Жами грипга мусбат натижаларининг 100,0%да грип А/Н3N2 вирусига тўғри келди.


7-расм. ГЎКда ўРВИ мониторинг натижалари мавсум 2025/26 йиллар.



2025-йилнинг 46-ҳафтасида ГЎК бўйича дозорли назорат доирасида ўРВИга лаборатор текширувларнинг 16,7%да мусбат натижалар аниқланди. Мусбат натижаларининг 62,5%да риновирусларга, 37,5%да мавсумий коронавирусларга тўғри келди.

ГЎК билан оғриган беморлардан олинган намуналарнинг лаборатор текширувларининг 4,0%да мусбат натижалар аниқланди. Мусбат натижаларининг 52,2%да риновируслар, 34,8%да мавсумий коронавируслар, 4,3дан респиратор синцитиал вируслар, метаневмовируслар ва парагрипп вирусларига тўғри келди.

8-расм. ГЎКда SARS-CoV-2 мониторинг натижалари мавсум 2025/26 йиллар.



2025 йилнинг 46-ҳафтасида аниқланган ГЎК ҳолатларидан олинган клиник намуналарни SARS-CoV-2 янги коронавирусига лаборатор текширувларда мусбат натижаларда аниқланмади.

Мавсум бошидан ГЎК билан оғриган беморлардан олинган намуналарнинг лаборатор текширувларнинг 0,5%да SARS-CoV-2 вирусига мусбат натижа аниқланди.


ОЎРИ бўйича назорат

Оғир ўткир респиратор инфекция ҳолатини стандарт тушунчаси (ОЎРИ, ЖССТ-2014):


- охириги 10 кун давомида бошланган ўткир респиратор касаллик ва қуйидаги белгилар кузатилади:
- анамнезда ёки кўрик вақтида тана ҳароратини 38 С0дан юқори бўлиши;
- йўтал;
- касалхонага ётқизилиш зарурати.

ОЎРИ бўйича жорий йилнинг 46 ҳафтасида 0-2 ёш, 5-14 ёш, 30-64 ёш гуруҳларида касаллик кўрсаткичлари ўсиши кузатилди.

9-расм. 2025/26 йиллар мавсумидаги ОЎРИ кўрсаткичи 100 000 аҳолига нисбатан.




10-расм. ОЎРИда грип мониторинг натижалари мавсум 2025/26 йиллар.



2025 йилнинг 46 ҳафтасида ОЎРИ бўйича дозорли назорат доирасида гриппга ўтказилган лаборатор текширувларнинг 53,6%да грипп А/Н3Н2 вируси аниқланди.

Мавсум бошидан ОЎРИ билан оғриган беморлардан олинган намуналарнинг лаборатор текширувлари 28,5%да грипп вирусларига мусбат натижа аниқланди. Жами гриппга мусбат натижаларининг 100,0%да грипп А/Н3Н2 вирусига тўғри келди.


11-расм. ОЎРИда ўрВИ мониторинг натижалари мавсум 2025/26 йиллар.



2025-йилнинг 46-ҳафтасида ОЎРИ бўйича дозорли назорат доирасида ўрВИга лаборатор текширувларнинг 17,0%да мусбат натижалар аниқланди. Мусбат натижаларнинг 31,6%да аденовирусларга, 26,3%да риновирусларга, 21,1%да респиратор синцитиал вирусларга, 10,5%да бокавирусларга, 5,3%да парагрипп вируслари ва мавсумий коронавирусларга тўғри келди.

Мавсум бошидан ОЎРИ билан оғриган беморлардан олинган намуналарнинг лаборатор текширувлари 6,3%да мусбат натижалар аниқланди. Мусбат натижаларнинг 31,6%да риновирусларга, 21,1%дан бокавируслар ва аденовирусларга, 10,5%да респиратор синцитиал вирусларга, 7,9%дан парагрипп вируслари ва мавсумий коронавирусларга тўғри келди.

12-расм. ОЎРИда SARS-CoV-2 мониторинг натижалари мавсум 2025/26 йиллар.



2025 йилнинг 46-ҳафтасида аниқланган ОЎРИ ҳолатларидан олинган клиник намуналарни SARS-CoV-2 янги коронавирусига лаборатор текширувларда мусбат натижалар аниқланмади.

Мавсум бошидан ОЎРИ билан оғриган беморлардан олинган намуналарнинг лаборатор текширувлари 1,5%да SARS-CoV-2 вирусига мусбат натижа аниқланди.